



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 **24** yil « **25** » **sentabr**

№ **603**

Toshkent sh.

Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси Вазирлар Маҳкамаси бўйсунувиغا ўтказилиши муносабати билан Ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёқилғи-энергетика тармоғида давлат назорати тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 23 августдаги ПФ–118-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2024 йил 1 октябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) оилавий корхоналар, хунармандлар, диний ташкилотлар, ётоқхоналар, уй-жой мулкдорлари ширкати ҳамда кўп квартирали уйни бошқарувчи ташкилотларга уларнинг ихтиёрига кўра солиқ ва бошқа имтиёزلарни сақлаб қолган ҳолда электр энергияси учун тўловларни II ёки III тариф гуруҳларида амалга оширишга рухсат берилади.

Бунда истеъмолчилар ҳисобот оyi бошлангунига қадар электр таъминоти корхонасига мурожаат қилишлари зарур;

б) ёқилғи-энергетика ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ қоидабузарликлар бўйича ундирилган зарар суммасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг махсус мақсадли ҳисобварағига келиб тушган қисмидан 20 фоизи ноқонуний фойдаланиш ҳолатини фoш этишда ташаббус кўрсатган органга ҳамда 10 фоизи Бош прокуратуранинг ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

Мазкур кичик бандда белгиланган қоида 2024 йил 1 октябрга қадар аниқланган ноқонуний ҳолатларга ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси баёни билан тасдиқланадиган тақсимот пропорциясига мувофиқ тушадиган маблағларга нисбатан татбиқ этилмайди;

в) ёқилғи-энергетика ресурсларини иқтисод қилиш режалари бажарилишини таъминлаган ҳамда ҳуқуқбузарликка қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этган прокуратура органлари ходимлари Бош прокуратуранинг ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ҳар ойда ходим иш ҳақининг 50 фоиз миқдорида рағбатлантирилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғи И.А. Ниматуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов